O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ DEPUTATLARI JIZZAX
VILOYATI KENGASHI
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ДЖИЗАКСКОГО ОБЛАСТНОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

"23" декабрь 2019 yil № 300/50 Jizzax sh.

2020 йил учун Жиззах вилояти маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига *(кейинги ўринларда Қонун деб аталади)* мувофиқ, 2020 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимовчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлар кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг *(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)* 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига асосан, 2020 йил учун вилояти маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида" 2019 йил 9 декабрдаги ЎРҚ–589-сон Қонуни билан тасдиқланган 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ҳамда уларни тайёрлаш учун асос бўлган макроиқтисодий ривожланиш прогнозлари ва 2021–2022 йиллар учун мўлжаллар тўғрисида маълумотлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, 2020 йил Жиззах вилояти вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетларининг даромадларининг қуйидаги прогнози маъқуллансин:

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;

б) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар.

в) Мобил алоқа хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра вилоят аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.

г) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан солиқ;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

д) Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар вилоятнинг вилоят бюджетига ўтказилади.

3. Қонуннинг 21-моддасига асосан, Жиззах вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгилансин:

а) Умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлиги орқали (ушбу муассасаларнинг тўртинчи гуруҳ хражатлари тегишли шаҳар ва туманлар бюджетлари ҳисобидан амалга оширилади);

б) Қуйидаги харажатлар вилоятнинг вилоят бюджетидан молиялаштиришга ўтказилади:

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш харажатлари;

вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш харажатлари.

в) Қуйидаги харажатлар шаҳар ва туманлар бюджетларидан молиялаштиришга ўтказилади:

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар ва туман марказларини сақлаш харажатлари.

4. Жиззах вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда Жиззах вилояти вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йил прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Вилоятнинг вилоят бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар ва туманлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджети билан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари даромадларининг 2020 йил прогноз кўрсаткичлари ва харжатларининг чекланган миқдори 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

8. Шаҳар ва туманлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг 2020 йил учун тасдиқланганган миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини шаҳар ва туман бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажми 9,3 млрд сўм миқдорида белгилансин.

Вилоятнинг вилоят бюджети заҳира жамғармалари маблағлари кечиктириб бўлмайдиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларини шакллантиришда олдиндан назарда тутиб бўлмайдиган харажатларни шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилади.

10. 2020 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори ҳамда туманлар ва шаҳар бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Вилоятнинг вилоят бюджети, шаҳар ва туманлар бюджетларининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисида вилоят, шаҳар ва туманлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг таклифларига асосан, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга

йўналтирилиши инобатга олиниб, тегишли Кенгашлар қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари шаҳар ва туманлар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари фавқулотда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча манбаларни йўналтириш бўйича қарор(фармойиш)лар қабул қилиш белгилансин.

12. Вилоят ҳокимлиги ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин:

13. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раджапов, шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ишназаров), вилоят молия бош бошқармаси (Б.Ўралов) чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади;

Қонуннинг 6-иловасида кўрсатилган Жиззах вилояти бўйича даромадлар прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимяти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилиш чораларини кўрсин.

14. Ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар бюджет маблағларини тақсимловчилар ўзининг расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер)

савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б.Тўхтамишев, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда вилоят халқ таълими (Д.Садриддинова), мактабгача таълим (Н.Тошбеков), соғлиқни сақлаш (Ф.Норқўзиев), ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (Б.Ўсаров), маданият (К.Фахрадов), жисмоний тарбия ва спорт (И.Тожибоев) бошқармаларига:

тизим ташкилотлари учун бюджетдан ажратиладиган маблағларни амалдаги қонунчилик талаблари асосида мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

тизим бўйича ҳар бир бюджет ташкилотлари раҳбар ходимларини мазкур масалада шахсий масъулияти ва жавобгарликларини белгилаш;

бюджет маблағларини ноқонуний сарфлаш ҳамда ўғирлик ва камомадларини олдини олиш борасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан тизимли ишлар ташкил этиш вазифалари топширилсин.

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин.

15. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раджапов, вилоят молия бош бошқармаси (Б.Ўралов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ишназаров), шаҳар ва барча туман ҳокимлари бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

16. Қонуннинг 24-моддасига асосан, Ҳалқ депутатларини вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари вилоят, вилоятнинг шаҳар ва туманлар бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалари бўйича ҳисоботларни тақдим этсин ва эшиттирсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Раджапов, вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ишназаров) Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва вилоят ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Вилоят Кенгаши раиси,
вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «23» 12 даги
300/50-сонли қарорига
1-илова

Жиззах вилоятининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари ҳамда 2021-2022 йилга мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	1679160,0%
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	5,5%
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10%
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	6,5%
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,8%
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	6,7%

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «23» 12 даги
300/50 -сонли қарорига
2-илова

Жиззах вилоятининг вилоят маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**631 529 097,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	77 639 165,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	393 659 913,0
3	Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	39 765 697,0
4	Акциз солиғи, жами	16 437 884,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*16 437 884,0*
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 621 672,0
###	Давлат божи	34 177 000,0
###	Жарималар	35 100 000,0
###	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	648 000,0
###	Йиғимлар	28 479 766,0

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «13» 12 даги
300/50 -сонли қарорига
3-илова

2020 йилги Жиззах вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Вилоят бюджети
	Харажатлар миқдори, Жами	**631 529 097,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**560 341 597,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**71 187 500,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**0,0**
1.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**1 445 082,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 445 082,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Халқ таълими бошқармаси**	**88 438 739,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	69 938 739,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	18 500 000,0
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси**	**2 251 574,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 251 574,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**185 720 043,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	182 220 043,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	3 500 000,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**17 233 444,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 233 444,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	6 000 000,0
6.	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**11 776 435,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 776 435,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**1 318 064,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 318 064,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**18 258 247,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	11 126 947,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	7 131 300,0

9.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**2 833 289,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 833 289,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**1 792 740,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 792 740,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Ўсимликлар карантини инспекциялари харажатлари**	**690 167,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	690 167,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Агрокимёҳимоя ҳудудий акциядорлик жамияти**	**2 953 148,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 953 148,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**65 229 948,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	65 229 948,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Транспорт департаменти**	**1 882 702,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 882 702,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Автомабил йўллар бошқармаси**	**79 620 222,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	79 620 222,0
	шу жумладан:	
	Умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини сақлаш ва эксплуатация харажатлари	78 139 013,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**10 339 710,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 339 710,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Молия бош бошқармаси**	**27 124 565,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27 124 565,0
	шу жумладан:	
	иш ҳақининг ошиши муносабати билан индексация маблағлари	22 820 816,0
	Фуқароларга етказилган зарани қоплаш	500 000,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
18.	**Ғазначилик бошқармаси**	**5 845 967,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 845 967,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

19.	**Пенсия жамғармаси**	**834 043,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	834 043,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
20.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**815 963,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	815 963,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**599 273,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	599 273,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**10 031 971,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 031 971,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Ветеринария бошқармаси чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**3 826 750,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 826 750,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	**Монополияга карши курашиш бошкармаси**	**912 075,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	912 075,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**116 533,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	116 533,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошкариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 243 653,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 243 653,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Бандлик бош бошқармаси**	**1 042 162,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 042 162,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**1 940 205,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 940 205,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**4 684 447,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 684 447,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

30.	**Адлия бошқармаси**	**2 185 695,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 185 695,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Иқтисодиёт ва саноат бош бошкармаси**	**6 172 495,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 172 495,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32.	**Маҳаллий давлат ҳокимият органи**	**54 611 510,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	27 275 310,0
	шу жумладан:	
	Вилоят ҳокимлиги	6 113 727,0
	Халқ қабулхонаси	4 096 234,0
	Тадбиркорлар мурожаатлари бўйича Бош вазир қабулхонаси	2 246 328,0
	Маҳаллий депутатлар Кенгаши	2 340 398,0
	Расмий делегациялар қабуллар уйи	1 808 893,0
	"Ошла" илмий амалий тадқиқот маркази	790 554,0
	Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси	471 163,0
	Ижтимоий мослашув маркази	75 070,0
	Захира жамғармаси	9 332 943,0
	Ижтимоий нафақалар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	27 336 200,0
33.	**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси вилояти бошкармаси**	**5 457 775,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 457 775,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Сайлов ҳудудий бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Давлат архиви бошқармаси**	**3 237 900,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 237 900,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	2 000 000,0
36.	**Нуроний жағармаси**	**416 532,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	416 532,0
	шу жумладан:	
	Ветеранларга озиқ-овқат пули	66 816,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Бошқа ташкилотлар**	**8 646 029,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 926 029,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	6 720 000,0

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «23» 12 даги
300/50 -сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Тадбиркорликнинг айрим турлари учун қатъий белгиланган солиқ (фиксированный)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёкилғиси ва газ реализацияси дан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Йиғимлар	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
1	Жиззах шаҳри	19			100	100	100	100	100		100	100		82
2	Арнасой тумани	58	60	100	100	100	100	100	100	90	100	100	100	100
3	Бахмал тумани	21	90	100	100	100	100	100	100	90	100	100	100	100
4	Ғаллаорол тумани	5	40	100	100	100	100	100	100	98	100	100	100	100
5	Ш.Рашидов тумани	3		100	100	100	100	100	100	68	100	100	100	100
6	Дўстлик тумани	15		100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	80
7	Зомин тумани	17	50	100	100	100	100	100	100	90	100	100	100	100
8	Зарбдор тумани	16	65	100	100	100	100	100	100	90	100	100	100	100
9	Зафаробод тумани	3		100	100	100	100	100	100	75	100	100	100	62
10	Мирзачўл тумани	52	50	100	100	100	100	100	100	90	100	100	100	100
11	Пахтакор тумани	5	17	100	100	100	100	100	100	80	100	100	100	100
12	Фориш тумани	36	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
13	Янгиобод тумани	70	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «23» 12 даги
300/50-сонли қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**1 050 824 000,0**	**1 498 971 856,0**
Вилоят бюджети	631 529 097,0	631 529 097,0
Жиззах шаҳри	88 205 397,0	88 205 397,0
Арнасой тумани	16 543 697,0	39 506 296,0
Бахмал тумани	33 194 226,0	77 302 695,0
Ғаллаорол тумани	44 116 462,0	107 672 981,0
Ш.Рашидов тумани	50 942 740,0	108 859 557,0
Дўстлик тумани	21 679 793,0	51 290 470,0
Зомин тумани	43 486 822,0	100 068 350,0
Зарбдор тумани	27 008 108,0	59 380 559,0
Зафаробод тумани	16 972 791,0	44 068 092,0
Мирзачўл тумани	17 990 626,0	45 014 845,0
Пахтакор тумани	19 302 973,0	49 682 846,0
Фориш тумани	27 530 240,0	64 082 054,0
Янгиобод тумани	12 321 028,0	32 308 617,0

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «23» 12 даги
300/50-сонли қарорига
6-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**448 147 856,0**
шундан	
Вилоят бюджети	0,0
Жиззах шаҳри	0,0
Арнасой тумани	22 962 599,0
Бахмал тумани	44 108 469,0
Ғаллаорол тумани	63 556 519,0
Ш.Рашидов тумани	57 916 817,0
Дўстлик тумани	29 610 677,0
Зомин тумани	56 581 528,0
Зарбдор тумани	32 372 451,0
Зафаробод тумани	27 095 301,0
Мирзачўл тумани	27 024 219,0
Пахтакор тумани	30 379 873,0
Фориш тумани	36 551 814,0
Янгиобод тумани	19 987 589,0

Халқ депутатлари
Жиззах вилояти Кенгашининг
2019 йил «23» 12 даги
300/50-сонли қарорига
7-илова

Вилоят, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**13 157 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	**6 733 000,0**
2	Жиззах шаҳри	**1 109 000,0**
3	Арнасой тумани	**270 000,0**
4	Бахмал тумани	**518 000,0**
5	Ғаллаорол тумани	**745 000,0**
6	Ш.Рашидов тумани	**686 000,0**
7	Дўстлик тумани	**356 000,0**
8	Зомин тумани	**669 000,0**
9	Зарбдор тумани	**391 000,0**
10	Зафаробод тумани	**326 000,0**
11	Мирзачўл тумани	**314 000,0**
12	Пахтакор тумани	**361 000,0**
13	Фориш тумани	**438 000,0**
14	Янгиобод тумани	**241 000,0**